



Аллоҳга шерик қилмай оламдан ўтган киши жаннатга, Аллоҳга бирон нарсани шерик қилиб ўлган киши эса, жаҳаннамга киради», - деб жавоб бердилар

Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёнларига бир одам келиб: «Ё, Расулulloҳ, икки хислат нима?» - деб савол берди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳга шерик қилмай оламдан ўтган киши жаннатга, Аллоҳга бирон нарсани шерик қилиб ўлган киши эса, жаҳаннамга киради», - деб жавоб бердилар.

[Тўғри матн] [Муслим ривояти]

Бир одам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан жаннат ёки жаҳаннамга олиб кирадиган икки хислат ҳақида сўради. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Инсонни жаннатга олиб кирадиган хислат - Аллоҳ таолонинг ёлғиз ўзигагина ибодат қилиб, Унга бирон нарсани шерик қилмай оламдан ўтиши», - деб жавоб бердилар. Жаҳаннамга олиб кирадиган хислат эса - инсон Аллоҳга бирор нарсани Рубубиятида, Улуҳиятида ёки асмой сифатларида ширк қилган холда вафот этишидир.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/65008>

